БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 261 (18.738). • Сешанба, 1983 йил 15 ноябрь • Баҳоси 3 тийин.

Иштихон районидаги Ленин номли колхозда юқори ҳосил усталари етакчилик қилаётган бригадалар кўп. 12-бригада бошлиғи Йўлдош Темиров ана шулардан биридир. Бу бригада аъзолари пахта тайёрлаш мажбуриятларини биринчилар қаторида бажариб, эндиликда ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш иштиёқида пахтазорларда мардона меҳнат қилишяпти. Бригаданинг ҳар бир аъзоси, ёрдамчилар, ҳиммати баланд кексалар бир мисқол ҳам «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмаслик учун курашмоқдалар. Суратда: ипғор бригада бошлиғи Й. Темиров.

А. Тўраев фотоси.

МИНБАРДАН АЙТИЛГАН СЎЗ

ШУ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҚУНЛАРДА ҲЕЧ КИМ «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИДА ҚАТНАШИШДАН ЎЗИНИ ЧЕТГА ОЛМАСЛИГИ КЕРАК. ТАЙЁРГА АЙЁРЛИК ҒАЙРИ-АХЛОҚИЙ ВА ЗАРАРЛИДИР, БУ БИЗГА ЯРАШМАЙДИГАН КАЙФИЯТДИР. ҲОЗИР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР КИШИ РЕСПУБЛИКАДА, МАМЛАКАТДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕАЛАРГА ШАХСАН ДАХЛДОР ЭКАНИНИ РАВШАН АНГЛАБ ОЛИШИ, БУТУН КУЧ-ҚУВВАТИНИ САРФЛАБ МЕҲНАТ ҚИЛИШИ АЙНИҚСА МУҲИМДИР.

(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан).

Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси муҳим босқичга кирди. Бошланғич ташкилотларнинг йиғилишлари, конференциялари бўлиб ўтди. Улар партия сафлари жанговарлиги, бошланғич ташкилотлардаги ленинча ишчанликнинг ўзига хос кўригига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотида илгари сурилган тинчлик таклифлари, КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсати, партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, коммунистларни ғоявий-сиёсий чиниқтиришни кучайтириш, уларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини ошириш соҳасида ўтказилаётган изчил йўл ҳисобот-сайлов йиғилишларида қизғин қўллаб-қувватланди. Докладчилар ва нотиқлар АҚШ ҳозирги маъмуриятининг урушқоқлик ва милитаристик сиёсатини қоралаб, она-Ватанимиз куч-қудратини ошириш вазифалари ҳақида фикр юритдилар.

Бу йилги ҳисобот-сайловлар ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йилини муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақа авж олган ғоят масъулиятли пайтда ўтмоқда. Бинобарин, уларда янги техникани, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, янги қувватларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш, ҳар бир иш жойида пухта тартиб-интизом ўрнатиш масалалари чуқур партиявий манфаатдорлик туйғуси билан қараб чиқилмоқда. Наманганда ўтган йиғилишларнинг кўпчилигида коммунистлар «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» ҳаракатини бошлаш ташаббуси билан чиқдилар. Тошкент машинасозлари эса СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашда эгалланиши лозим бўлган юксак марраларни белгилаб олдилар.

Агросаноат комплекси барча бўғинларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия аграр сиёсатини изчил амалга ошириш, Озиқ-овқат программасининг бажарилишини таъминлаш учун курашда коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш вазифалари конкретлаштириб олинди. Қишлоқ партия ташкилотларида йилнинг бош йиғилишлари пахта терими, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари йиғиб олиш қизғин тус олган пайтда ўтдики, худди шу нарса улардаги ишчанлик, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик руҳини белгилаб берди, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар, хўжаликка раҳбарлик савиясини ошириш орқали йиғим-терим суръатини жадаллаштириш тадбирлари белгилаб чиқилди. Кўпгина коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишларига бригадалар, бўлимлар пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақидаги рапортлар билан келишди. Теримчилар, механизаторлар йиғилишларда сўзга чиқиб, қўшимча мажбурият олдилар, терим суръатини кўтариш резервларини кўрсатиб бердилар.

Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози коммунистлари истиқболли навларни кенгроқ жорий этиш, шу йўл билан ялпи пахта ҳосилини кескин ошириш вазифаларини илгари сурдилар. Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозида эса ишчи кучларини, техникани тўла самарали ишлатиш этиб, пахта тайёрлашдаги сусткашликка барҳам бериш, кунлик суръатни кескин кўтариш режаларини белгилаб чиқилди.

Коммунистларнинг фикри — КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун авж олиб кетган оммавий мусобақада ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия комитетлари, маъмурият фаолиятидаги камчиликлар рўйрост кўрсатиб берилди. Меҳнат коллективларининг ролини ошириш, партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар даражасини кескин яхшилашга ёрдам берадиган қимматли таклифлар киритилди. Шу нарса диққатга сазоворки, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг бўлиб ўтган йиғилишларидагина 59 мингдан ортиқ танқидий фикр ва мулоҳаза билдирилди. Уларнинг ярмига яқини юзасидан йиғилишлар жараёнидаёқ амалий чоралар кўрилди. Бошланғич партия ташкилотларида ўтган йиғилиш ва конференцияларда деярли 45 минг танқидий фикр, ишлаб чиқариш жараёнларини, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган фойдали таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди. Уларнинг учдан бири юзасидан ҳозиргача конкрет тадбирлар амалга оширилди. Кўпгина партия ташкилотларида ҳам йиғилишлар ана шундай активлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтди.

Шу билан бирга жойларда ҳисобот-сайловларга пухта тайёрланлик кўрмаслик фактлари юз берди. Докладларни тайёрлашга ҳамма ерда ҳам коммунистларнинг кенг қатлами жалб этилмади. Бу эса иқтисодий ва социал тараққиёт планлари бажарилишининг боришк чуқур таҳлил қилинмаслигига, айрим раҳбарлар, мутахассислар фаолиятидаги камчиликлар принципиаллик билан кўрсатиб берилмаслигига олиб келди. Натижада меҳнат коллективидаги ишнинг ҳақиқий аҳволи принципиал муҳокама қилинмади.

Бир қатор йиғилишларда нотиқлар составини олдиндан аниқлаб қўйиш сингари ярамас тажрибага амал қилинаётганлиги ҳам йиғилишлар жонли, партиявий талабчанлик руҳи остида ўтиши учун зарур шароит яратишга тўсиқ бўлиб қолаётир. Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозида шундай бўлди. Партия комитетининг ҳисобот докладида ишнинг аҳволи чуқур таҳлил қилиниб, камчиликлар рўй-рост танқид қилинмади. Коммунистларнинг эътибори ишлаб чиқаришда ва партия комитети фаолиятида содир бўлаётган нуқсонларга жалб этилмади. Бинобарин, ишни яхшилаш хусусида ўзаро талабчанлик ва партиявий принципиаллик билан ошкора фикрлашиб олинмади.

КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида партия комитетлари ана шу муҳим сиёсий кампания жараёнида партия сафларини янада мустаҳкамлаш, партия ички демократиясини ривожлантириш, ташкилотчилик ва идеологик ишни, социал-иқтисодий жараёнларга партиявий раҳбарлик формалари ҳамда методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқлари зарур. Эндиликда саноатда, капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида, ҳар бир коллективда қилинган ишларнинг якунлари коммунистларнинг авангардлигини ошириш, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш вазифалари район ва шаҳар партия конференцияларида танқид ва ўз-ўзини танқид асосида муҳокама қилиниши учун қулай муҳит яратиш айниқса муҳимдир. Партияга қабул, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида коммунистларнинг ғоявий эътиқодини чиниқтириш, меҳнаткашларнинг маънавий ва меҳнат тарбиясини кучайтириш диққат марказида турмоғи керак.

Ҳисобот-сайлов кампанияси партия қуйи бўғинида сайлаб қўйилган активнинг сифат составини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Коммунистлар ишчан, ташаббускор, малакали мутахассисларга, ишлаб чиқариш илғорларига юксак ишонч билдириб, партия коллективларининг етакчилигига сайладилар. Шуни унутмаслик керакки, партия ташкилотларининг жанговарлиги, бутун хўжалик ва маънавий ҳаётга самарали таъсири кўп жиҳатдан ана шу сайлаб қўйилган активнинг ташаббускорлиги, ишчанлиги ва шахсий ибратига боғлиқ. Партия комитетлари уларнинг партиявий-ташкилий ишнинг усул ва услубларини мукаммал эгаллаб олишларига, меҳнат коллективларининг чиниқкан ташкилотчилари ва етакчилари бўлиб қолишларига эришмоқлари лозим. Бу экономиканинг, маданий ҳаётнинг барча жабҳаларига руҳлантирувчи партиявий таъсирни кучайтиришнинг, барча куч ва резервларни ўзак йил план ва мажбуриятларини, умуман, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишнинг зарур шартидир.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ —МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон пахтакорлари она-Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар

Тошкент область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг муваффақияти

Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан илҳомланиб, шу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида мўл пахта ҳосили етиштирдилар, уни уюшқоқлик билан териб олдилар ва давлатга пахта сотиш планини 13 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 423,6 минг тонна ҳосил етказиб берилди, унинг салкам 300 минг тоннаси машиналарда териб олинди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 31,5 центнерни ташкил этди. Пахтанинг қарийб 70 проценти биринчи сортга топширилди.

Областнинг барча районлари планнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Бўка, Коммунистик, Оққўрғон, Пискент, Бекобод, Ўрта Чирчиқ районларининг деҳқонлари йиллик планларини биринчи бўлиб бажардилар ва социалистик мажбурият ҳисобига пахта тайёрламоқдалар. Чиноз, Ғалаба ва Янгийўл районларининг хўжаликлари планни бажариш арафасида турибдилар.

Бўка районидаги «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Фрунзе номли, «Партия XIX съезди», Ғалаба районидаги «Победа», Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозлари ғўзани парваришлаш қилиш технологиясини такомиллаштириш ва пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий этиш асосида ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан пахта териб олдилар.

Энг мўл ҳосил олиш учун кураш ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари — Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова, «Далварзин» совхозидан Бобохон Отаҳонов, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Тимирязев номли колхоздан Баёнқул Раҳмонов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Эрмакбой Ўрозқулов ва Эргаш Бозорбоев, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан Гулайхон Тўлапбекова, Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан Пётр Ким, Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Эркин Очилов ва Навоий номли колхоздан Ўринбой Акромов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 48—55 центнергача етказдилар.

Механик-ҳайдовчилардан А. Омонтоев, С. Усеинов, К. Бесбоев, А. Ақибоев, М. Ковешников, Х. Қораев ва бошқалар пахта териш машиналарининг техникавий имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш учун ўтказилган социалистик мусобақага бошчилик қилиб, мавсумда 220—340 тоннадан пахта тердилар.

Областнинг барча шаҳарлари ва районларидаги қорхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг коллективлари, тайёрлов ва транспорт ташкилотларининг ходимлари планни бажаришда область колхоз ва совхозларига катта ёрдам бердилар. Уларнинг ҳаммаси ўз ватанпарварлик бурчини бажариб, пахта теришда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Пахта териш ва уни давлатга топшириш давом этмоқда. Область хўжаликлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ялпи пахта ҳосилини 450 минг тоннага етказишга қарор бердилар.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари ҳам йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Давлатга дон, каноп пояси, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, жун топшириш юзасидан социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Гўшт, сут тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан илдам суръатлар билан олиб борилмоқда. Умумиттифоқ фондига мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш плани анча ошириб бажарилди.

Область деҳқонлари ва чорвадорлари, барча дала меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари собитқадамлик билан олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар натижасида шундай муваффақиятларга эришилди.

Шу кунларда область колхоз ва совхозларида йиғим-терим ишларини жадал тугаллаш билан бир қаторда 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг бутун комплексини намунали тугаллаш мақсадида, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Бу Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга муносиб совға бўлади.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ХОРАЗМ	0,26	105,41	0,29	59,44
ҚҚАССР	0,47	103,57	0,34	70,88
ТОШКЕНТ	0,51	100,38	0,44	85,49
Бухоро	0,67	89,67	0,02	8,18
Қашқадарё	0,79	86,37	1,13	58,44
Навоий	0,83	85,33	0,62	29,84
Самарқанд	1,06	84,17	0,98	44,58
Фарғона	0,79	81,31	0,03	8,86
Андижон	0,80	79,98	0,25	23,86
Сурхондарё	0,80	79,10	0,20	40,75
Наманган	0,80	78,56	0,21	47,34
Сирдарё	0,51	76,73	0,06	60,09
Жиззах	0,58	75,63	0,02	60,81
Республика бўйича:	0,69	85,95	0,35	46,39
Шу жумладан ингичка толали пахта				
НАВОИЙ	1,92	136,84	3,63	80,80
СУРХОНДАРЁ	1,19	114,69	0,40	73,58
ҚАШҚАДАРЁ	1,08	109,93	1,10	72,24
Бухоро	1,24	95,64	—	—
Наманган	1,08	70,02	—	—
Республика бўйича:	1,18	112,54	0,71	68,61

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади.

Тошкент области — область партия комитетининг секретари М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ф. А. Аппазов, Госкомсельхозтехника область бирлашмаси раиси В. Н. Хегай, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи М. Т. Турсунов, область қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Т. Р. Ражапов, область комсомол комитетининг секретари М. М. Маҳмудов.

Республика матбуот маркази хабар қилади

● 14 НОЯБРЬ ЭРТАЛАБИГА ҚАДАР РЕСПУБЛИКА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 5096907 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ. ЎТГАН КУНИ ДАЛАЛАРДАН 41091 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ 1828855 ТОННА ХОМ АШЁ «ПУЛАТ ЭТАК»ЛАРДАН ТЎКИЛДИ.

АНДИЖОН

● МОСКВА райони меҳнаткашлари беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 154 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига пахта топшираётган «Октябрь», «Ленинизм», «Правда», «Ленинград», Киров номли колхозларнинг заршуносларининг муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

● «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» колхози миришкорлари МАРҲАМАТ районида биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. 1396 гектар ернинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан дурдона йиғиштириб олинди.

● ЛЕНИН районидаги «ПРАВДА ВОСТОКА» колхози деҳқонлари ҳам ғалаба маррасига етдилар. Бу ерда 1960 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,1 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 7465 тонна «оқ олтин» сотилди.

НАМАНГАН

● ЗАДАРЁ районидаги ИЛЬИЧ номли қўриқ совхоз чўлқуварлари қабул пунктларига 9300 тонна хом ашё топшириб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Ялпи хирмонининг 90 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.

Совхоз пахтакорлари давлатга яна 1200 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

СИРДАРЁ

● Абдалин номли совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилган ОҚОЛТИН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ ўқувчилари область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини бешинчи маротаба қўлга киритдилар. Мана бир неча кундирки, улар Ворошилов номли совхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Шу кунга қадар 1,5 минг тонна «оқ олтин» теришга эришган техникум коллективи бу кўрсаткични 2 минг тоннага етказиш учун курашмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ

● ШАҲРИСАБЗ районидаги «СОЦИАЛИЗМ» колхози деҳқонлари йиллик планни бажардилар. Қабул пунктларига 8400 тонна юқори сифатли хом ашё жўнатилди. Ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил этди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан хўжалик меҳнаткашлари Ватан хирмонига яна 2100 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

ХОРАЗМ

● ШОВОТ районидаги «ЎЗБЕКИСТОН» колхози пахтакорлари 1110 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан хирмон кўтариб, қабул пунктларига 4270 тонна «оқ олтин» жўнатдилар. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширaётган миришкорлар ҳосилдорликни 45 центнерга, ялпи хирмонни 5 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

ФАРҒОНА

● БАҒДОД районидаги «ҒАЛАБА» совхози меҳнаткашлари қўриқ ерлар ҳосилдорлигини тобора оширишга эришмоқдалар. Ҳар гектар ердан 16,5 центнердан қўриқ дурдонаси йиғиштириб олинди ва давлатга 1750 тонна хом ашё топширилди. Чўлқуварлар 2 минг тонналик хирмон учун курашмоқдалар.

БУХОРО

● ҚОРАҚЎЛ районидан хушхабар олинди. Қабул пунктларига 4800 тонна «оқ олтин» етказиб берган «ОКТЯБРЬ» колхози пахтакорлари районда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. 1200 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнердан пахта йиғиштириб олинди. 80 процент ҳосил биринчи сортларга сотилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

● БЕРУНИЙ районидаги НАВОИЙ номли колхоз миришкорлари социалистик мажбуриятни бажардилар. 745 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 4600 тонна хом ашё сотилди. Абдукарим Алимов, Карим Раманов, Нурулла Матмуродовлар бошлиқ бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 60—65 центнерни ташкил этди.

САМАРҚАНД

● ПАХТАЧИ районидаги «САМАРҚАНД» колхозининг моҳир теримчиси Эргашой НОРҚУЛОВА 15 тонна пахта териб, шахсий социалистик мажбуриятини бажарди.

Пешқадам теримчи мавсум охиригача яна 3 тонна «оқ олтин» териш учун фидокорона тер тўкмоқда.

СУРХОНДАРЁ

● Область заршуносларининг шу кунга қадар 276 минг тонна ингичка толали пахта тайёрладилар. Бу ўтган йил шу даврдагига қараганда 12 минг тонна кўпдир.

105 минг тонна ипак пахта агрегатлар бункеридан тўкилди. Областда тўрт район, 30 дан зиёд колхоз ва совхоз, 500 дан ортиқ бригада айни кунларда социалистик мажбурият ҳисобига ингичка толали пахта топширмоқда.

ОСМОНИМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН

АҚШнинг агрессив ташқи сиёсатига узил-кесил баҳо берган Юрий Владимирович Андроповнинг Баёнотида барча совет кишиларининг эзгу ҳис-туйғулари ва фикрлари ифодаланган. АҚШнинг сиёсати бутун инсониятга хавф солиб турибди. Фашизм устидан ғалаба қозониш йўлида, ер юзида тинчлик ўрнатиш йўлида берилган қурбонлар халқимизнинг ҳали эсидан чиққани йўқ. Биз шу даҳшатлар қайтарилишини хоҳламаймиз ва тинчлик сақлаб қолиниши учун ҳамма ишни қиламиз.

Биз, деҳқонлар бутун совет халқи билан биргаликда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини астойдил қўллаб-қувватлайдиз ва маъқуллаймиз, ўзининг авантюрачилик ҳаракатлари билан дунёни ядровий фалокат ёқасига судраётган Оқ уйнинг раҳбарларини ўртоқ Ю. В. Андропов қаттиқ огоҳлантириб қўйди.

Участкамиз коллективи «Правда» шолиқорлик совхозида биринчи бўлиб ўрим-йиғим кампаниясини тугаллади. Биз давлатга дон топшириш планини муваффақиятли уддаладик ва энди социалистик мажбурият ҳисобига дон топширяпмиз. 410 гектар ернинг ҳар гектаридан 80 центнер дон олишни мўлжаллаяпмиз. Шундай қилиш бизнинг ер юзида тинчлик ишини қаттиқ туриб садоқат билан муттасил ҳимоя қилаётган мамлакатимизнинг қудратига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Қурбоной ҚОРАХОНОВА,
Гагарин районидаги «Правда» совхозининг алмашлаб экиш участкаси бошлиғи.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёноти коммунизмга қарши салб юришининг ҳаддидан ошган ташкилотчиларига муносиб зарба бўлиб, бутун дунёда янгради. Дунёни термоядро ҳалокатига дучор этишга уринаётган Рейган маъмуриятининг телбаларча сиёсатидан совет кишиларининг ниҳоятда даргазаб бўлаётганликларини сўз билан ифода этиш қийин.

Ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва тўплаш инсоният учун қандай хавф солаётганлиги биз медиклар учун ҳеч қачон маълум. Америка ҳарбийлари зўр бериб давом эттираётган қуролланиш пойгаси инсоният олдида турган биронта ҳам проблемани ҳал этишга олиб келмайди.

Океан ортидаги мана шу жанобларга вақт ғаниматида тўхтангиз, ақлингизни йиғиб олингиз, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг истиқболи учун сизларнинг зиммангизда ҳам масъулият бор, деб баралла айтгинг келади. Биз тинчликни барбод этишга, инсониятни хатарли жарлик сари бошлаб боришга йўл қўймаймиз.

Биз, врачлар, одамларни Американинг ашаддий ҳарбийлари нишонга олишлари учун уларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун курашаётганимиз йўқ.

Ю. В. Андроповнинг Баёнотида совет халқининг, холис ниятли барча кишиларнинг эзгу фикр-ўйлари ва орзу-умидлари ифода этилган. Тинчлик иши тантана қилишига ишонамиз.

С. П. ТАРЯННИКОВА,
Тошкентдаги 17-поликлиниканинг терапия бўлими мудири.

Кема комплексдан ажратилди

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 ноябрь (ТАСС). Кеча Москва вақти билан соат 06-08 минут ўтганда биргаликдаги учиш программаси тугагач, «Прогресс-18» автомат юк кемаси космонавтлар бошқараётган «Салют-7»—«Союз-Т-9» комплексидан ажратилди. Кеманинг ажралиш ва олислашувини учишни бошқариш марказининг мутахассислари ҳамда космонавтлар Владимир Ляхов ва Александр Александров кузатиб турдилар. Биргаликдаги учиш вақтида планлаштириб қўйилган ҳамма операциялар тўлатўкис бажарилди, жумладан транспорт кемасининг юки тушириб олинди, бирлашган двигатель қурилмасига қўшимча ёқилғи қуйилди ва станция идишларига ичимлик сув ўтказиб олинди. Бундан ташқари, кеманинг моторидан фойдаланиб орбитал комплекснинг учиш траекторияси тўғрилаб олинди.

Владимир Ляхов билан Александр Александров 140 кундан бери космосда учиб юришибди. Кеча «Салют-7»—«Союз-Т-9» бошқариладиган комплекснинг экипажи дам олди.

Комплекс медицина кўригининг натижаларига қараганда иккала космонавтнинг сиҳат-саломатлиги ва кайфияти яхши.

БУГУН ПАРТИЯ СИЁСИЙ МАОРИФИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОДНИ ЧИНИҚТИРИШ МАКТАБИ

Республика партия ташкилотларида сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари бошланаётир. Бу ўқув йилида партия комитетлари, коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатлами ғоявий эътиқодини чиниқтириш, иқтисодий билимини оширишга қаратилган бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Эндиликда бу ўқувлар янада изчил, мукаммал бўлиб қолди, у тингловчиларнинг барча қатламларини тўла қамраб олишни кўзда тутиб, қайта ташкил этилди. Машғулотларда марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг актуал масалаларини ўрганиш кўзда тутилмоқда.

Янги ўқув йили «Идеологик иш — бутун партиянинг иши, ҳар бир коммунистнинг иши» мавзуидаги машғулот билан бошланади. Кўрилиб турибдики, бу ўқув йилидаги машғулотлар КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми кўрсатмаларини, ўртоқ Ю. В. Андропов шу Пленумда сўзлаган нутқида идеологик ишни янада такомиллаштириш юзасидан қўйган вазифаларни яна ҳам чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради.

Суратда: «Миконд» заводи пропагандистлари — Л. Левитас (чапдан), В. Ефименко, Т. Горина, В. Тимошченко, Р. Тўраев, В. Горбачев ўртоқлар биринчи машғулотга тайёрланмоқдалар.

В. Молгачев фотоси.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ

Янги инсонни шакллантириш жараёни узвий ва мураккабдир. Идеология иши коммунистик жамият қурилиши жараёнида юзага келадиган янги-янги вазифаларга мувофиқ равишда такомиллашиб, мукаммаллашиб бормоғи лозим. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг сиёсий маориф, оммавий-сиёсий ўқув тармоқлари ишининг услубини янада такомиллаштиришдан иборат талаби автоном республиканинг етти минглик пропагандистлар отряди учун партия ўқуви системасини қайта қуришга қаратилган муҳим қўлланма бўлди. Лекин бу қайта қуриш енгил-елпи иш эмас, албатта. Айниқса, коммунистларни марксча-ленинча чиниқтириш сингари ғоят муҳим ишда юзакичиликка йўл қўйиш асло ярамайди. Биз шуни назарда тутиб, партия ташкилотларида тўпланган бой тажрибани қунт билан ўрганиб чиқдик. Бу тажрибани июнь Пленуми кўрсатмалари асосида умумлаштириб, мақсадга мувофиқ тадбирлар белгиладик.

Партия ва иқтисодий ўқув ўн биринчи беш йиллик социал-иқтисодий планларини амалга ошириш учун курашда меҳнаткашлар оммасининг активлигини янада юқори кўтариш вазифасини собитқадамлик билан бажаришда муҳим омил бўлиб қолди. Бу ўқув йилида партия маорифининг барча формаларидаги машғулотларга 31 мингдан зиёд коммунист қатнашади. Иқтисодий умумтаълим системаси, комсомол сиёсий маорифини қўшиб ҳисоблаганда идеологик таъсир кўрсатишнинг уюшган формаларидаги машғулотларга жалб этилган тингловчиларнинг сони 180 минг кишидан ошади. Бошқача қилиб айтганда, автоном республикада иҳтимоий меҳнатда банд бўлган ҳар беш кишидан тўрт киши бундай ўқувлардан баҳраманд бўлади.

Шаҳар ва район партия комитетлари янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрдилар. Барча мактаблар ва семинарларда тингловчилар, ўрганиладиган предметлар олдиндан аниқлаб қўйилди. Партия маорифи ва иқтисодий ўқувнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Корхоналар, колхозлар ва совхозларда 168 сиёсий маориф кабинети жиҳозланиб, уларнинг ўқув-методик базаси яхшиланди. Жамоатчилик асосида иш олиб борувчи бу кабинетларнинг кўпчилиги пропаганданинг техника воситалари билан мукаммал жиҳозланди. Бу борада Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ва Чимбой районларидаги бошланғич партия ташкилотларида айниқса самарали иш олиб борилди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари партия ташкилотларининг эътиборини партия пропагандасининг негизи — пропагандист кадрлар билан ишлашга, бу ишни кескин яхшилашга қаратди. Эндиликда пропагандистларнинг 95 процентини олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. Булар меҳнат коллективларида обрў-эътиборли, юксак сиёсий савияга эга бўлган кадрлардир. Партия комитетлари пропагандист кадрларни танлаш, улар билан мунтазам иш олиб бориш, зарур методик ёрдам кўрсатиш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб қўйдилар. Шуни айтиш кифояки, йил сайин пропагандистларимизнинг 20 процентдан зиёди икки ҳафталик курсларда қайта тайёргарликдан ўтмоқда.

Партия ўқуви системасида машғулотларни методик жиҳатдан таъминлаш ишининг яхшиланиши унинг бутун услубини қайта қуришда ғоят муҳим йўналишга айланмоқда. Бизда партия ва иқтисодий ўқув тингловчилари рефератларининг 1 республика конкурси ўтказилди. Унинг уч даврасида 18 мингдан зиёд тингловчи иштирок этди. Республика сиёсий маориф уйида, барча районларда таълимнинг проблем методики ҳамда тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий практикасини жорий этиш юзасидан ўтказилган илмий-методик конференциялар ҳам таълимнинг актив формаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Конференция якунлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда, уларнинг материаллари эса сиёсий маориф уйининг методик кўрсатмаларида умумлаштирилмоқда.

Автоном республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашни кучайтириш доирасида партия комитетлари олиб боратган ишларда «Пропагандист — беш йилликка» ватанпарварлик ҳаракати тобора муҳим ўрин тутмоқда. Эндиликда бу ҳаракатда меҳнат коллективларида машғулот ўтказаётган 4826 пропагандист иштирок этаётир. Яқинда Тўрткўл район партия комитетининг бюроси «Намуна» колхози пропагандистларининг «Намунали социалистик интизомни тарбиялашга — пропагандистлар ғамхўрлиги» шиори остида амалга ошираётган ишларини маъқуллаб қарор қабул қилди. Нукус ремонт-механика заводи пропагандистларининг шу сингари ватанпарварлик ҳаракатини шаҳар партия комитетининг бюроси маъқуллади.

Партия комитетлари пропагандистларнинг ижтимоий нуфузини ҳар томонлама оширмоқдалар. Янги ўқув йили арафасида энг малакали 15 пропагандист Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, партия сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълимни коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи қўяётган талаблар даражасига кўтариш борасида ҳали муайян проблемалар ҳам йўқ эмас. Кўпинча у ёки бу тингловчи машғулотларга тавсия этилган адабиётларни ўрганмай келади. Пропагандист берган топшириқларни ишлаб чиқиб, ўзининг мустақил ишлаш қобилиятини муттасил ошириб борасида ҳам изчил иш олиб бормаётган тингловчилар оз эмас. Баъзи мактаблар ёки семинарларда машғулот раҳбарлари тингловчиларга темаларни бўлиб бериши сингари тажрибани ҳам рағбатлантириб бўлмайди. Бу ҳолда тингловчи бутун курс юзасидан пухта билим олишига, билимларни амалий ишда муваффақиятли қўллашига эришилмайди, албатта.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаблари асосида Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, министрликлар ва идоралар меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви пропагандистларини қайта тайёргарликдан ўтказиш, уларни қиёсий ва методик материаллар билан таъминлаш масалаларини тубдан ҳал этмоқлари лозим. Афсуски, ҳозиргача бир қатор министрликлар фақат турли-туман буйруқлар чиқариш билан кифояланишмоқда, меҳнаткашларда замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш проблемалари билан амалда изчил шуғулланишмаётир.

«Идеология иши — бутун партиянинг иши, ҳар бир коммунистнинг иши» — янги ўқув йили мана шу темани ўрганиш билан бошланаётир. Бу машғулот марксча-ленинча назарияни, коммунистик қурилиш тажрибасини чуқур, ҳар томонлама мукаммал ўрганиш юзасидан КПСС Уставида белгилаб қўйилган вазифани изчил бажариш учун коммунистларда партиявий масъулиятни кучайтириши шубҳасиздир.

В. ЛУЦЕНКО,
Қорақалпоғистон область партия комитети Сиёсий маориф уйининг мудири.

ПРОПАГАНДИСТ МАҲОРАТИ

Район партия комитети, кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасидаги янги ўқув йилини пухта тайёргарлик билан бошлашмоқдалар. Пропагандистларни қайта тайёргарликдан ўтказиш, уларнинг назарий билимини, амалий кўникмасини янада бойитишга алоҳида эътибор берилди. Семинар-кенгашларда у ёки бу курсни самарали ўрганишга қаратилган методик тавсиялар оммалаштирилди. Энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини ёйишга ҳам катта аҳамият берилди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими ва тарбияси даражасини янада яхшилаш тўғрисидаги қарори, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми кўрсатмалари асосида бутун сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг такомиллаштирилиши ўқувнинг йўналишига, машғулотларнинг характерига ғоят аниқлик киритди. Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотлари бутун ўқув йили мобайнида пропагандистларга амалий ёрдам кўрсатиш чораларини белгилаб қўйдилар.

Бу ўқув йилида партия сиёсий маорифи системасининг барча формаларида 2411 коммунист ўзининг назарий билимини ошириди, ижтимоий активликнинг сабоғини олади. Сакксиза ёш коммунистлар мактабида 250 га яқин КПСС аъзоси ва партия аъзолигига кандидат партия қурилиши асосларини ўрганади. Иқтисодий умумтаълимнинг оммавийлигини кўзлаб, 105 жойда иқтисодий мактаб ташкил этганмиз. Коммунистик меҳнат, конкрет экономика мактаблари ва иқтисодий семинарларда 3381 тингловчи партия иқтисодий сиёсатининг халқ хўжалигида самарадорлик ва сифатни ошириш каби актуал масалаларини ўрганади.

Партия ташкилотларида юксак малакали, пухта билимли, ўзининг бутун лаёқатини, қобилиятини коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатламида ғоявий эътиқодни чиниқтиришга, ижтимоий ва меҳнат активлигини камолга етказишга бағишлаётган пропагандистларнинг катта отряди муҳим партия топшириғини шараф билан бажармоқда. «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасида Б. Алиев, район йўл қурилиши ва ремонти участкасида М. Ғаниев, район алоқа бўлимида И. Қодиров, колхозларароқўчма механизациялашган колоннада З. Юсуфжонов, Свердлов номли колхозда И. Воҳидов, «Коммунизм» колхозида Ж. Ҳайитов сингари пропагандистлар янги ўқув йилини айниқса пухта тайёргарлик билан бошлашмоқдалар. Улар СССР Озиқ-овқат программасини, илмий-техника жараёнининг муҳим масалаларини тингловчилар ўртасида пропаганда қилиш борасида катта тажриба тўплаганлар. А. Турғунов, Х. Абдуллаев, Т. Каримов сингари пропагандистлар эса «Ленинград», «Партия XXII съезди», Энгельс номли колхозлардаги иқтисодий мактабларда таълим самарадорлигини оширмоқдалар.

Район партия комитети коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатлами сиёсий ва иқтисодий ўқуви самарадорлигини оширишда пропагандистларнинг малакаси, назарий савияси муҳим ўрин тутишини эътиборга олиб, уларни қайта тайёргарликдан ўтказаётир. Пропагандистларнинг сафи обрўли, билимдон, ташаббускор коммунистлар ҳисобига муттасил тўлдирилмоқда. Шуни айтиш кифояки, сўнгги икки йилда партия сиёсий маорифи системаси 60 пропагандисти, иқтисодий таълим системасининг 35 пропагандисти турли курс ва семинарларда ўз билимини оширди. 27 киши марксизм-ленинизм университетида сиртдан таълим олди. Ҳозирги пайтда 36 киши шу университет машғулотларига қатнашмоқда.

Табиийки, бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Пропагандистларнинг машғулотни ташкил этиш, тингловчиларга пухта билим беришдаги активлиги ошмоқда. Коммунистларда, барча тингловчиларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш борасида улар тинмай изланишаётир.

Т. ПАРПИБОЕВ,
Наманган район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

БИЛИМ КУЧ БАҒИШЛАГАНДА

Совхозимиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларидан руҳланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Кейинги йилларда совхозимизда пахта ҳосилдорлиги деярли икки баравар ошди. Абдуқаюм Суяров, Азиза Собирова, Меҳмонали Номозов, Темир Турдиалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлмоқда. Бу коллективлар меҳнат ва моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаб, мўл ва арзон пахта етиштиришаётир.

Хўжалигимизда чорвачилик ҳам жадал ривожланиб, гўшт ва сут кўпайиб бормоқда. Бу йил чорвадорларимиз эл дастурхонига 100 тонна гўшт, 960 тонна сут етказиб бериш учун мусобақани қизғин давом эттирмоқдалар. Бу юксак марраларни эгаллаш учун курашда район Советининг депутати Фотима Ғозибекова, Латифа Нуралиева сингари коммунистлар алоҳида ташаббус кўрсатишаётир. Улар ҳар бир сигирдан 3800 килограммдан ошириб сут соғиб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилишаётир.

Меҳнатда эришилаётган ютуқларни, пахтакорлар ва чорвадорларимиз бошлаб бераётган ажойиб ташаббусларни ўйлаганимда, бу оммавий фидокорликнинг манбалари ҳақида мулоҳаза юритаман. Кўпинча иқтисодий таълим машғулотлари чоғида тингловчиларим билан шу хусусда фикрлашаман. Қисқача қилиб айтганда, бу ташаббускорликнинг манбаи меҳнаткашларимизнинг ўз ишларига онгли муносабатидадир. Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасидаги машғулотлар коммунистларда, барча ишчиларда меҳнатга юксак онгли муносабатни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб қолганлигини эндиликда ҳаммамиз очиқ-ойдин кўриб турибмиз. Чўлга келиб, ер очиб, уйжой қуриб, бу ерда муқим яшаб қолаётган ажойиб замондошларимизнинг граждан-лик туйғуси, юксак онглилиги барча жабҳалардаги ғалабаларимизнинг гарови бўлиб қолди.

Совхозимиз партия комитети оташин ватанпарвар ва интернационалистларни тарбиялашда партия ўқуви ва иқтисодий таълимнинг ролини тобора оширмоқда. Ўтган ўқув йилидагина 127 тингловчи сиёсий ва иқтисодий билим асосларини эгаллаб, ўз эътиқодини, ҳаётимиздаги актив позициясини яна ҳам чиниқтирди. Муҳаммад Аҳмедов, Мусурмон Рустамов, Раҳмонқул Элмуродов, Қодир Тўраев, Ортиқ Абдуллаев сингари пропагандистларнинг машғулотларида ишчилар иқтисодий билим асосларини пухта эгаллаб, совхознинг барча соҳаларини тежамли, самарали олиб бориш йўлларини ўргандилар. Бу машғулотларда олинган билим пахтакорлар, чорвадорлар, қурувчиларнинг онгига сингиб бориб, уларни янги-янги довонларни эгаллаш учун курашга рағбатлантирувчи қудратли қучга айланмоқда.

М. НАВРЎЗОВА,
Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз сут соғувчиси, иқтисодий билим мактабининг пропагандисти.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Ж. НЕРУ ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЭСЛАМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ, 14 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон буюк фарзандининг хотирасини ҳурмат билан эсламоқ учун болалар колоннаси бугун эрталабданоқ Ҳиндистон пойтахтининг марказидаги Жавоҳарлал Неру номли ёдгорлик музейига йўл олди.

Ҳиндистон республикаси биринчи бош министрининг собиқ расмий қароргоҳи — уйнинг пешайвони атиргул гулбарглари билан тўлиб кетган. 14 ноябрь — мамлакат миллий-озодлик ҳаракатининг ана шу атоқли арбоби туғилган кундир. Бу кун бутун мамлакатда болалар куни сифатида нишонланмоқда. Ж. Неру болалар бизнинг келажагимиз, янги Ҳиндистон учун курашда замон ва авлодларнинг мустаҳкам боғланиши деб ҳисобларди.

Сўнгра тантаналар пойтахтдаги Ж. Неру номли стадионда давом этди. У ерда мактаб ўқувчиларининг 10 минг кишилик хори стадион минбарларидан жой олган пойтахт аҳолиси, мамлакат турли штатларининг намояндалари учун «ватанпарварлик қўшиқларини ижро этди. Бу қўшиқлар ҳиндларни бирлашишга, яхши келажак учун ҳормайтолмай кураш олиб боришга даъват этди. Ж. Неру ана шу порлоқ келажак ҳақида тез-тез гапирар эди. Байрамда Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди иштирок этди.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШУВЧИЛАР САФИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА

КОПЕНГАГЕН, 14 ноябрь. (ТАСС). Данияда тинчлик тарафдорларининг яна икки ташкилоти тузилди. Дания газеталари, радио ва телевидение журналистлари группасининг ташаббуси билан ташкил этилган шу ташкилотлардан бири «Журналистлар тинчлик учун курашда» деб аталади. Бу ташкилотнинг мақсади, — дейилади янги ташкилотнинг бу ерда тарқатилган мурожаатида, — тинчликни ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан, шунингдек уруш ва ирқчиликни пропаганда қилишга қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

Ўтган якшанба куни Копенгаген шаҳар чеккасидаги Валенсбск деган жойда иккинчи ташкилот — «Ўқитувчилар тинчлик учун курашда» ташкилотининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. 200 педагог ва ўқитувчидан иборат шу таъсис мажлисининг қатнашчилари ўз ҳамкасбларига мурожаат қилиб, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашга ҳар томонлама кўмаклашишга, ялпи қирғин қуроли, аввало ядровий, химиявий ва бактериологик қуролларнинг запасларини тугатишга эришишга даъват этдилар.

РЕЙГАННИНГ ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДЛАРИ

Рейган маъмурияти Корея ярим оролининг жанубини Яқин Шарқдаги ва Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳарбий авантюралар амалга ошириладиган агрессив ядро плацдармига ва таянч пунктига айлантиришни мўлжалламоқда. АҚШ президенти Рейганнинг Жанубий Кореяга қилган сафари шундан далолат беради. Япон газеталари мухбирларининг Сеулдан берган хабарларига қараганда, АҚШнинг 40 минг кишилик оккупациячи корпуси жанговар қудратини ошириш ва АҚШнинг Жанубий Кореядаги ядро қуролларини «модернизациялаш» — Оқ уй бошлиғининг диктатор Чон Ду Хван билан музокараларида асосий масалалардир.

«Асахи» газетасининг уқтириб ёзишича, Рейган АҚШнинг «Жанубий Кореядаги Америка қуролли кучларини мустаҳкамлаш»га аҳд қилганлиги ҳақида Сеул тўдасининг бошлигига ваъда берди. Шу муносабат билан маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Пентагон Корея ярим ороли жанубида мавжуд — 700 та тактик ядро қуролига қўшимча равишда қанотли ракеталарни ва пейтрон қуролини жойлаштириш йўли билан бу ерни Американинг олдинги базаларидаги ядро воситалари жойлаштирилган маррага айлантиришни кўзламоқда. АҚШ армиялари штабининг бошлиғи генерал Э. Мейернинг айтган гапларидан маълум бўлишича, Вашингтон ҳарбий можаро чиққан тақдирда «Америка солдатларини ҳимоя қилиш» баҳонаси билан ядро қуролини ишлатишга тайёр бўлиб турибди.

Сеулда ҳам Рейган 600 минг кишилик Жанубий Корея армиясининг «жанговар тайёргарлигини» мустаҳкамлашга даъват қилди. У Жанубий Корея тўдасига ваъда бериб, Вашингтон Сеулга қурол-яроғ етказиб беришни кенгайтиришга тайёр, деб айтди. Америка маъмурияти бошлиғининг Жанубий Кореяга визити арафасида Жанубий Кореяда Американинг «F—26» энг янги қирувчи-бомбардимончи самолётларини етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган эди.

Рейган регионда ҳарбий васвасани авж олдираётган Чон Ду Хваннинг мустабид режимини қўллаб-қувватлашини намойиш қилиш учун Америка президентларидан биринчи бўлиб демилитарлаштирилган зона районига иғвогарларча сафар қилди. Матбуотнинг ёзишича, Америка ҳарбий хизматчилари ҳузурида «Рейган ўзига хос бўлган кескин антикоммунистик руҳда» сўзлаган нутқида Корея Халқ Демократик Республикаси шаънига қўпол хуруж гаплар айтди ва ошкора дўқ-пўписа қилди. (ТАСС).

МОНУМЕНТ ОЧИЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия пойтахтидаги дўстлик паркида «Халқлар дўстлиги» монументини тантанали очиш маросими бўлди. Бронзадан ишланган композиция одамларнинг тинч келажакка ишончини, халқлар ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничиликкга интилаётганлигини ифода этади. Монумент ёнида бўлиб ўтган митингда Финляндия халқи тинчликка астойдил интилаётганлиги таъкидланди.

Халқлар дўстлиги шарафига парк ва монумент яратиш тўғрисидаги таклиф 1978 йилда, бутун фин халқи дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия шартномасининг 30 йиллигини нишонлаган пайтда олға сурилган эди. Финляндия жамоат — ташкилотларининг бу ташаббуси бутун мамлакатда қизғин маъқулланди.

Монумент автори А. Неувонен ТАСС мухбири билан суҳбатда: «Мен ўз асаримда ҳар бир кишининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ишига қўшадиган ҳиссаси қадрли эканлигини мужассамлаштиришга ҳаракат қилдим», деди.

(ТАСС).

ЯНА УРУШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ. Исроил армиясита резервдагилар оммавий равишда чақирилаётганлиги Тель-Авив Сурияга қарши агрессия бошлаш ниятида эканлигини тасдиқлайди, дейилади Дамашқ радиосининг шарҳида, Исроилнинг ахборот воситалари, деб уқтирилади шарҳда, ўтказилган сафарбарликдан мақсад — Сурия билан урушга тайёргарлик кўриш эканлигини яширмаяптилар.

Босқинчиларнинг Жанубий Ливандаги ва Жўлан тепаликларидаги тайёргарликлари, Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатларияро кучларнинг Сурия қисмлари билан туташ чизиқда кескинликни кучайтираётганликлари, Исроил ва Америка самолётлари Ливан территорияси устида иғвогарлик мақсадида учиб юрганлиги Исроил ҳукмдорларининг агрессия режаларидан далолат беради, деб таъкидланади шарҳда.

(ТАСС).

МРБнинг разил ишлари

КАРАКАС. Венесуэла Марказий разведка бошқармасининг жосуслик тармоғи фош қилинди. Миллий хавфсизлик органлари Америка шу разведка ташкилотининг агентларидан катта бир группасини қамоққа олди. Бу группа АҚШ гражданларидан ҳам, шунингдек улар ёллаган маҳаллий аҳолидан ҳам иборат бўлган. Тинтув вақтида Венесуэланинг давлат муассасаларидан ўғирланган кўпдан кўп махфий ҳужжатлар, шунингдек Венесуэла экономикасини бекарор қилиш юзасидан махфий топшириқлар кўрсатилган микрофотоплёнкалар топилди.

(ТАСС).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ҚУРИҚ ЕРДА ЗАВОД

Жиззах областидаги «Уч қаҳрамон» совхозида янги пахта тозалаш заводи қуриб битказилди. Бу корхона муддатидан бир йил аввал ишга туширилди.

Янги қувватларни ишга туширишдан муддатларини қисқартиришдан манфаатдор бўлган кўпгина турдош корхоналарнинг вакиллари қурувчиларга яқиндан ёрдам бердилар.

Янги корхона тайёрлаган дастлабки пахта тойлари Октябрь районининг пахтазорларида етиштирилган хом ашёдан ишлаб чиқарилди. Завод ишга тушиши натижасида терилган пахтани олис манзилга ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари камайди. Совхоз пахта заводи лойиҳадаги қувватга етказилгач, ҳар йили бўз ерларда етиштирилган 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш имконига эга бўлади.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Андижон трикотаж фабрикасининг Матлуба Одилова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси социалистик мусобақада ғолиб деб топилди. Бундан бир неча ойлар илгари мазкур коллектив кўпинча қолоқлар қаторида турар эди. Шаҳар ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан Матлуба Одилова трикотаж фабрикасига ишга келгач, ўзининг чаққонлиги, зийраклиги ва шижоати билан корхонада тезда танилди, меҳнатда илғорлик сирларини дарҳол ўрганиб олди. Эндиликда у бригада етакчиси сифатида ҳам коллективда обрў-эътибор қозонмоқда.

Ҳозир Матлуба Одилова бригадаси корхонада олдингилар қаторида бормоқда. Смена топшириқларини мунтазам равишда 110—115 процентга етказиб адо этаётир. Шу билан бирга тайёрланаётган маҳсулот сифати беқиёс яхшиланди. Илғор коллектив йиллик планни 20 декабргача бажаришга ваъда берган.

ЮКСАК СИФАТ УЧУН

Ильичевск тўқимачилик-галантерея фабрикасининг Шарифа Қорабоева бошлиқ бригадаси коллективи ҳозир назоратчиларсиз ишлай бошлади. Эндиликда ҳар бир ишнинг сифати учун тикувчи мотористларнинг ўзлари жавоб берадиган бўлдилар. Бригаданинг барча аъзоси шахсий тамға билан маҳсулот тайёрламоқда.

Коллективда катта тажрибага эга бўлган Ашурхон Абдураҳимова, Анорхон Нўъмонова, Муҳаббат Фозилжонова каби ишчилар сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга йиллик топшириқларини ҳам муддатидан илгари адо этдилар. Илғорлар намунаси бутун фабрика коллективини янгидан-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИГА

Бошимизга тушган оғир мусибат—биз учун азиз ва унутилмас Шароф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан ўз таъзияларини билдирган мамлакатимиздаги ва чет эллардаги ташкилотлар ҳамда жуда кўп минглаб айрим гражданларга газетангиз орқали чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қилишга ижозат берсангиз. Шароф Рашидовичнинг ёрқин хотирасига нисбатан улар кўрсатган ҳурмат-эҳтиром ўша қайғули кунларда биз учун мадад бўлди.

РАШИДОВлар оиласи.

6000000

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЗАРШУНОСЛАРИ ДАВЛАТГА 423,6 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИБ, ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР.

УЛАР ЯЛПИ ҲОСИЛНИ 450 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

● Область пахтакорлари давлатга 423,6 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

● Тайёрланган пахтанинг ялпи ҳажмида биринчи сортларнинг салмоғи қарийб 70 процентни ташкил этди.

● Уч юз минг тоннага яқин пахта машиналар билан терилди.

● Ун биринчи беш йилликнинг учинчи йили қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам муваффақиятли якунланмоқда. Дон, каноп пояси, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб адо этилди.

● Область саноати ходимлари ўн ойда пландан ташқари 78 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар.

● Қурувчилар катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Улар янги саноат корхоналари, чорвачилик комплекслари, социал ва маданий-маиший объектларни қуриб, фойдаланишга топширдилар.

ШОНЛИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

М. МУСАХОНОВ,
Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари

Республикамиз меҳнаткашлари коммунизм қурилишининг, Ватанимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди белгилаб берган улуғвор программасини амалга ошириш учун собитқадамлик билан кураш олиб бормоқдалар. Ўлар партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқулламоқдалар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ядро уруши олдини олиш, жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш соҳасидаги фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаяптилар, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш мақсадида саноат корхоналарида, далаларда, фермаларда ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қиляптилар. Бу яхши самара беряпти. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш тобора кўпаймоқда.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республикамизнинг экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини, хусусан қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачиликни илдам суръатлар билан юксалтириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар, катта амалий ёрдам беряптилар.

Бунга жавобан республика партия ташкилоти КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўртоқ Ю. В. Андропов кўрсатган йўл-йўриқларга амал қилиб, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планини барча соҳаларда муваффақиятли бажаришни таъминлайдиган кўламда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бормоқда. Республика партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларининг диққат-эътибори КПСС Марказий Комитетининг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг туб масалалари борасидаги кўрсатмаларини бажаришга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Ҳозир республикамиз партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари олдида турган энг масъулиятли вазифа — олти миллион тоннали «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиб, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни бажаришдан иборат. Бу соҳада олиб борилаётган қаҳрамонона курашга областимиз пахтакорлари муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Улар пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 423,6 минг тонна аъло сифатли «оқ олтин» топширилди. Тайёрланган пахтанинг ялпи ҳажмида биринчи сортларнинг салмоғи қарийб 70 процентга тўғри келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатига областимиз пахтакорларининг амалий жавоби бу.

Маълумки, бу йил об-ҳаво шароити пахтачилик учун жуда ноқулай келди. Баҳорда ҳаво қуруқ, ёзнинг дастлабки даврида салқин, сўнг эса ўта иссиқ бўлди. Март ва апрель ойларида ёмғир ёғмаганлиги, сув эса умуман бўлмагани сабабли чигитни экиш ва уни ундириб олишда жуда катта қийинчиликларга дуч келинди. Ана шу мураккаб вазиятда юз берган катта қийинчиликларни енгишда область пахтакорларига улар ижодий қўлланиб ва тобора такомиллаштириб келаётган илғор усул ёрдам берди. Ғўзани парвариш қилишда ва ҳосил йиғим-теримида индустриал технология кенг қўлланилди. Шонли механизаторларимиз чинакам қаҳрамонлик, фидокорлик ва юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатишди. Улар 300 минг тоннага яқин пахтани териб беришди. Бу йилги қийин шароитда бу яхши кўрсаткич ҳисобланади. Ҳосил йиғим-терининг муваффақиятини машиналар таъминлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пахта етиштиришнинг илғор технологиясини қўлланиш ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш суръатларини жадаллаштириш, халқ хўжалик планини тезроқ бажариш имконини бериши амалда яна бир карра исботланди.

Планни илғорлар қаторн муддатидан олдин бажариб, эришилган муваффақиятга область партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг яқиндан берган амалий ёрдамларига таянниб, кенг кўламда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борганлиги, коммунистлар, барча меҳнаткашларни ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун курашга кенг сафарбар этганлиги, пахтакорлар жуда кўп куч-ғайрат сарфлаб, ўзларининг бой тажрибалари, юксак маҳоратлари ва билимларини ишга солиб, қаҳрамонона меҳнат қилганликлари туфайли эришилди. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, бригада бошлиқлари, барча деҳқонларимиз бутун йил бўйи тинимсиз ишладилар.

Меҳнат коллективларида меҳнат, давлат ва план интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани авж олдириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш партия ташкилотларининг доим диққат марказида турмоқда. Улар меҳнаткашларнинг ижодий активлигини, ташаббускорлигини, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, беш йиллик планни тўла-тўкис ҳамда ошириб бажариш учун курашини кучайтириш масаласига биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Областда давлатга пахта сотиш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг уч йили учун белгиланган план 107 процент адо этилди.

Иш республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати асосида ташкил этилган, индустриал технология кенг қўлланилган хўжаликларда ҳосил йиғим-терининг суръати тезлашди, халқ хўжалик плани барвақт бажарилди. Масалан, Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз машиналарга таяниб, теримда юксак суръатга эришди ва халқ хўжалик планини республикада биринчи бўлиб 6 октябрда адо этди. Шу райондаги «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», «Партия XIX съезди», Коммунистик районидаги «Политотдел», «Ленинский путь», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, «Ленин йўли», Бекобод районидаги Ленин номли, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози ва «Оққўрғон» совхози, Ғалаба районидаги «Победа», Пискент районидаги Свердлов номли колхоз ва «КПСС XXVI съезди» совхози, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозлар ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг пахтакорлари планни барвақт бажариб, давлатга қўшимча равишда кўплаб пахта топширдилар. Ана шу хўжаликларда гектаридан 40—45 центнердан пахта йиғиштириб олинди, барча ҳосилнинг 80—90 процанти машиналар билан терилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Адолат Рўзматова, Саодат Гулаҳмедова, Кан О Нам, шунингдек Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Эргаш Бозорбоев, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Ким Гим Нен, Искандар Хўжакаев, Пискент районидаги Свердлов номли колхоздан Яҳёхон Орифхонов, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан Гулайхон Тўлапбекова, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоздан Эркин Каримов, Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан Ким Петр ҳамда бошқа мўл ҳосил усталари бошлиқ бригадаларда гектаридан 48—55 центнер ҳосил олинди.

Пахтачиликни ривожлантиришда бундай муваффақиятга партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларига амал қилиб, ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар савияси янги юқори босқичга кўтарилганлиги, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулияти оширилганлиги туфайли эришилди.

Эндиликда қишлоқ район партия комитетлари экономика ва маданиятни юксалтириш масалаларини малакали ҳал қиладиган бўлиб қолдилар. Улар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини бирдек ривожлантиришни, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни таъминламоқдалар. Бу соҳадаги бутун масъулиятни ўз зиммаларига олмоқдалар. Бунга Бўка ва Коммунистик районлари партия комитетлари фаолиятида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ана шу районларнинг партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштириш ва уни жадал суръатлар билан йиғиб-териб олиш учун курашини уддабуронлик билан ташкил этдилар. Натижада бу районлар пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини областда биринчи бўлиб бажарди. Бўка райони пахтакорлари давлатга 71,5 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, область пахтакорларининг хирмонига энг кўп ҳисса қўшдилар. Районда ҳозиргача ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олинди. Ялпи ҳосилнинг 85 процанти машиналар билан терилди. Коммунистик райони 27315 тонна пахта тайёрлади. Бу ерда ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 36,6 центнерга етди. Район хўжаликлари ҳосилнинг 93 процентини машиналар билан териб олдилар. Давлатга Пискент райони 44343 тонна, Оққўрғон райони 62395 тонна, Бекобод райони 65597 тонна, Ўрта Чирчиқ райони 45405 тонна пахта топширди. Чиноз, Ғалаба ва Янгийўл районларида ҳам план яқин кунларда бажарилади.

Область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳосил йиғим-теримида даврида пахтакорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтирдилар. Бутун идеология иши далага, теримнинг муваффақияти ҳал қилинаётган жойга кўчирилди.

Планни тезроқ адо этиш учун олиб борилган курашда областнинг барча шаҳарлари ва сабзавотчилик районларидаги саноат корхоналари, ташкилотлар, ўқув юртларининг коллективлари, мактабларнинг ўқувчилари актив иштирок этиб, пахтакорларга яқиндан ёрдам бердилар.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам илдам ривожланди. Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 90 минг тонна дон, 320 минг тоннадан зиёд каноп пояси, 598 минг тонна сабзавот, 104 минг тонна картошка, 198 минг тонна мева ва узум, 2360 тоннадан ортиқ пилла етказиб бериб, зиммаларига қабул қилган социалистик мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ўтган йилдагидан анча кўпайди. Область хўжаликлари умумиттифоқ фондига 242 минг тонна сабзавот, картошка, мева ва узум, полиз экинлари маҳсулоти жўнатдилар.

План бажарилди. Аммо пахта йиғим-теримида давом этмоқда. Областимиз меҳнаткашлари етиштирилган барча ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиб, пахтанинг ялпи ҳажмини 450 минг тоннага етказиш ва шу тариқа республикамизнинг олти миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшишга қарор қилдилар.

Юқоридаги суратда: Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бу йил мавсумда 200 тоннага яқин пахта терган илғор механик-ҳайдовчиси А. Эшонқулов ва колхоз правленниесининг раиси Т. Раимова пахта даласида. Пастдаги суратда: Бўка районидаги Ҳамза номли колхозининг пешқадам механик-ҳайдовчиси С. Отахонов.

В. Портнов ва Ж. Тўраев фотолари.

МАШИНАЛАР—КАТТА КУЧ

Пахтачиликни ривожлантириш, «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш истиқболи тармоқни комплекс механизациялаш билан боғлиқ эканлиги эндиликда ҳаммага яхши аён. Колхозимиз пахтакорлари ана шу тўғри йўлдан дадил бормоқдалар. Шу туфайли қатор йиллардан буён барқарор ҳосил олиняпти. Бу йил ҳам пахта мўл бўлди.

Лекин иш мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи билан битмайди. Энг муҳими — уни нобуд қилмай тезроқ териб олиб, халқ хўжалик плани барвақт бажарилсагина пахта етиштириш кўпаяди. Биз доим шундай қилишга интиламиз.

Бу йил ҳосил йиғим-теримида индустриал технология кенг қўлланилди. Халқ хўжалик плани барвақт бажарилди. Ҳозиргача эса давлатга пландаги 3870 тонна ўрнига 4400 тоннадан зиёд пахта сотилди.

Барча ҳосилнинг 85 процанти машиналар билан терилди. Ҳар бир терим агрегатининг мавсумдаги ўртача иш унуми 135 тоннага тўғри келди. Ўнғар Бойқиров, Жалғас Мингқораев, Нишон Абдукаримов каби ҳамкасбларим ҳосил йиғим-теримида чинакам қаҳрамонлик кўрсатишди. Улар бункерлардан 160—170 тоннадан пахта бўшатишди. Мен бу йил 180 тонна пахта териш ҳақида ваъда берган эдим. Сўзимнинг устидан чиқдим.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги қийин шароитда ҳам муваффақиятни пахта етиштиришнинг илғор усулини қўлланиш, теримда индустриал технологияни кенг жорий этиш таъминлади.

Қ. ИЛАШЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Колхозимизнинг пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш соҳасида эришган муваффақиятлари республикага маълум. Деҳқонларимиз, механизаторларимиз ишнинг кўзини биладиган, тажрибали ва маҳоратли кишилар. Бу об-ҳаво шароити пахтачилик учун ноқулай келган бу йил, айниқса, тўла намоён бўлди. Улар пахта етиштиришнинг илғор усули ҳисобланган Тошкент технологиясини ижодий қўлланишди. Баҳорда 1500 гектар ерга қулай агротехника муддатида экилган чигит асосан тупроқнинг табиий намига ундириб олинди. Ёзда ғўза сифатли парвариш қилиниб, унинг ривожланишидаги қолоқлик деярли бартараф этилди. Июль ва август ойларида ҳаво қаттиқ исиганда экинни суғоришга алоҳида эътибор берилди. Ғўза ҳар ўн кунда бир марта суғорилди. Натижада ҳосилга путур етмади, у тўла сақлаб қолинди.

Пахта йиғим-теримида индустриал технология асосида ташкил этилди. Машиналарга катта умид боғланди. Мавжуд терим агрегатлари юқори унум билан ишлатилди. Далалардан кун сайин кўпроқ пахта териб олинди ва тайёрланди. Терим суръати жадаллашди. Халқ хўжалик плани барвақт бажарилди. Ҳозиргача эса давлатга пландаги 5446 тонна ўрнига 6620 тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 90 процанти машиналар билан терилди, 80 процанти биринчи сортларга қабул қилинди.

Хўжалигимиз пахтакорлари эришган бу муваффақиятда бригадамиз коллективининг ҳам муносиб улуши бор. Биз 77 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдик. Пахта йиғим-теримини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бошладик. Дефолиацияни вақтида сифатли қилиб ўтказдик. Кўсакларнинг 70—75 процанти очилиши билан машиналарни ишга туширдик. Механик-ҳайдовчиларимиз Хван Анатолий ва Ким Бен Гвонлар ўз агрегатларини моҳирлик билан ишлатишди. Улар ҳар куни бункердан 7—8 тоннага етказиб пахта тўкишга муваффақ бўлишди. Машиналар теримнинг муваффақиятини таъминлади.

Йиллик планни ҳаммадан олдин бажарган бригадамиз аъзолари зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиб, ғолиблар сафидан ўрин олишди. Ҳосилдорлик гектар бошига 47,7 центнерга етди. Жами ҳосилнинг 95 процанти машиналар билан терилди, 85 процанти биринчи сортларга топширилди.

Ким Гим НЕН,
Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири.

БАХТ КАЛИТИ

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ БОБУР НОМЛИ ЎРТА МАКТАБДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Район мактабларининг ўқувчилари ўз ота-оналарининг изидан бориб, уларга муносиб ўринбосарлар бўлиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик касбини ўрганишга киришганларига чорак асрдан ошди. Шундан буён ўтган даврда колхоз қишлоғидаги Бобур номли ўрта мактаб саккизинчи-ўнинчи синф ўқувчиларидан бир неча юз киши пахта далаларида ҳаёт сабоғини олди, ишлаб чиқариш синовидан ўтди.

Энг қувончлиси шундаки, бригаданинг меҳнатга меҳр қўйган собиқ аъзоларидан жуда кўп киши мактабни тамомлагандан кейин қишлоқда қолиб, колхоз ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларида ишлаяпти. Қўшни бригадаларнинг механизаторлари Э. Шерматов, С. Пўлатхўжаев, Т. Тошматов, М. Бойзоқов, сувчилари Х. Норбоев, С. Ҳамидов, сигир соғувчилар М. Назарматова, Р. Холбекова, К. Худойбердиева, Д. Ҳамроева, бригаданинг мураббийси, олий маълумотли агроном Э. Очилов ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар эндиликда ишлаб чиқариш илғорлари қаторидан муносиб ўрин олишди, уста пахтакор, моҳир механизатор ва сувчи, пешқадам сигир соғувчи бўлиб етишишди.

— Биз ўз олдимизга ёш йигит ва қизларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, пахтакорлик маҳоратини эгаллаб, ота-оналарига муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишларига эришиш вазифасини қўйганмиз, — дейди мактаб директори Т. Каримов. — Ўқувчиларимиз биз кутгандан ҳам баркамолроқ кишилар бўлиб етишмоқдалар.

Бу эса КПСС Марказий Комитетининг 1983 йилги июнь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андропов Пленумда сўзлаган нутқида ёшларнинг меҳнат тарбияси соҳасида совет мактаби олдига қўйилган вазифаларга мосдир.

Ҳа, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг пахта етиштиришни кўпайтириш борасида эришаётган муваффақиятлари фақат мактаб коллективини эмас, балки колхоз аъзолари ва раҳбарларини, ўқувчиларнинг ота-оналарини ҳам хушнуд этмоқда.

Бригада бошлиғи, саккизинчи синф ўқувчиси Р. Фашуловнинг айтишича, бу йил бригадада 45 йигит-қиз ишлаяпти. Улар 70 гектар майдонда 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишган. Ана шу майдонга баҳорда чигитни ўнинчи синф ўқувчиси Ш. Мўминов ва ўтган йили мактабни тамомлаб, бригадада механизатор бўлиб қолган М. Ғаффоров экишди. Улар ёзда ғўзани культивация қилишди, озиқлантиришди. Ў. Аҳмаджонов, Д. Султонбеков ва бошқалар экинни қондириб суғоришди. Терим машиналарини бригада мураббийси Э. Очилов билан бир қаторда М. Ғаффоров ва Ш. Мўминовлар бошқаришди. Бригада планни районда биринчи бўлиб бажарди. Ҳозиргача гектаридан 55 центнердан зиёд ҳосил олди.

Бригаданинг дала шийпони бор. Унда қизил бурчак, кутубхона, телевизор, радиола, магнитофон, холодильник, телефон, сотувчисиз магазин, ошхона мавжуд. Бригада ўз спорт майдончасига эга.

Ўқувчи ёшларнинг меҳнати муносиб равишда рағбатлантириляпти ва баҳоланяпти. Бригада аъзоларидан Р. Холбекова пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашда энг кўп ҳисса қўшгани учун 1976 йили «Меҳнатда ўрнак кўрсаттани учун» медали билан мукофотланди. 1979 йили эса беш киши Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бронза медали ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Мактаб ўқувчиларининг пахта далаларида маккажўхоризорларда, боғларда, чорвачилик фермаларида қилаётган меҳнати ёш қалбларга, уларнинг ота-оналарига, ўқитувчиларига катта қувонч бағишлаяпти. Улар меҳнатда тобланиб, жамиятимиз учун фойдали кишилар, чинакам ватанпарварлар бўлиб етишмоқдалар. Меҳнат — бахт калити, деб шунга айтишади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАНИБ

Баъзан бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли пахта етиштиришнинг илғор усули ҳисобланган Тошкент технологиясини қўлланиш имконияти бўлмади, деган гап қулоққа чалинмоқда. Бу нотўғри! Худди Тошкент технологияси бу йил пахтачиликда юз берган қийинчиликларни муваффақиятли енгиб, мўл ва эртаги ҳосил етиштириш ҳамда уни жадал суръат билан йиғиб-териб олиш, халқ хўжалик планини барвақт бажариш имконини берди. Бунга бизнинг колхозимиз мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Пахтакорларимиз ва механизаторларимиз баҳорда ёғингарчилик бўлмагани сабабли тупроқда кам нам тўпланганлигини ҳисобга олиб, чигит экишни март ойининг охирида бошладилар ва уни бир ҳафтада сифатли қилиб тугалладилар. Экилган уруғ тупроқнинг табиий намига ундириб олинди. Ёзнинг биринчи ярмида ҳаво салқин келди, иккинчи ярмида эса ҳаддан ташқари иссиқ бўлди. Ана шунда деҳқонларимиз бой тажрибалари, билимлари ва маҳоратларини тўла ишга солиб, ғўзани жадал парвариш қилдилар, унинг ривожини тезлаштириш чораларини кўрдилар. Экин минерал ўғитлар билан бир қаторда, чиригган ғўнг солган ҳолда пешма-пеш культивация қилинди.

Биз одатда барча майдондаги ғўзани 20—25 кунда бир марта суғорардик. Ҳаво ўта исиган даврда экинни ҳар 10—12 кунда бир марта сувдан чиқардик. Айни вақтда ғўза қатор ораларидан тракторларни тез-тез ўтказиб, унга шамол яхшироқ киришини таъминладик. Шу туфайли ҳосил элементлари тўкилиб кетмади, тўла сақлаб қолинди.

Кўп куч-ғайрат сарфлаб қилинган меҳнат зое кетмади. Ҳосил мўл бўлди ва эрта етилди. Уни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрдик. Терим техникаси ўз вақтида ремонт қилиниб, ишга шайлаб қўйилганди. Пайкалларда бегона ўтлар ўсишига йўл қўйилмади. Чунки биз ўтган йиллардагидек, бу йил ҳам ўз олдимизга етиштирилган барча ҳосилни асосан машиналар билан териб олишни, планни барвақт адо этишни мақсад қилиб қўйган эдик.

Ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак очилиши билан дефолиацияни бошладик. Бу муҳим агротехника тадбири ерда ишлатиладиган аппаратлар ёрдамида амалга оширилди. Шу туфайли дефолиациянинг сифати кўнгилдагидек бўлди. Ғўзанинг барги бир текис тўкилиб, кўсакларнинг очилиши тезлашди. Терим машиналари учун кенг иш фронти вужудга келди.

Сентябрь ойининг ўртасига келиб ғўза тупларидаги кўсакларнинг 70—80 процанти очилди. Буни ҳисобга олиб, 16 сентябрь куни машиналарни ишга туширдик. Ғўзанинг барги тўла тўкилгани, бегона ўтлар бўлмагани учун улар юқори унум билан тўхтовсиз ишлатилди. Терим суръати кун сайин тезлашди. Йиғим-терим ишлари авжига чиққан паллада бир кунда йиллик планнинг 7—8 процанти миқдорида пахта терилди ва тайёрланди.

Теримда индустриал технологияни қўлланиш, машиналарга таяниш муваффақиятни таъминлади. Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик плани республикада биринчи бўлиб 6 октябрда бажарилди. Ҳозиргача 910 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31,1 центнер ўрнига 40 центнердан зиёд ҳосил олинди. Мажбуриятимиз ҳам тўла бажарилди.

Биз кўзлаган мақсадга эришдик. Барча ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналар билан терилди. А. Дадабоев, С. Салимов, А. Ҳакимов, Э. Омонов каби илғор механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 190—220 тоннадан пахта тўкишди.

Илғор технологияни муваффақиятли қўлланган Ҳ. Алиев, Т. Ўташев, А. Мирзажонов, Қ. Ашурова ва бошқа уста пахтакорлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари пахтадан энг мўл ҳосил етиштиришди. Улар гектаридан 45—48 центнердан ҳосил олиб, фақат планнигина эмас, балки мажбуриятларини ҳам тўлатўкис адо этишди.

Колхозимиз аъзолари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига ана шундай амалий иш билан жавоб бердилар.

А. ҚУЛМИРЗАЕВ,
Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВ 70 ЁШДА

ФАН ФИДОЙИСИ

Ўзининг меҳнатсеварлиги, қизиқувчанлиги билан оддий бир деҳқон фарзанди Иттифоқимизнинг йирик олими ва жамоат арбоби даражасига кўтарилди, ўзбеклар орасида биринчи бўлиб академик унвонига сазовор бўлди. Бу иқтидорли олим Обид Содиқович Содиқовдир. Илмий-педагоглик ишларини ташкилотчилик истеъдоди билан мужассамлаштира олган, халқ хўжалигининг турли вазифалари ва илмий муаммоларни моҳирона ҳал этиб келаётган бу алломанинг номи мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Эллик йиллик қадрдонинг, дўстинг, ҳамкасбинг ҳамнафасинг ҳақида ёзиш анча мушкул экан. О. С Содиқов 1913 йилнинг кузида Тошкент шаҳрида туғилди. Ўн ёшида мактабга борди. У даврларда ҳаёт мураккаб эди. Дўстимиз Обиджон ёшлик йилларини эслаб шундай дейди: «Отадан ўн уч бола эдик. Бундай, катта оилада рўзғор тебратиш ниҳоятда оғир. Анча юпун яшардик. Биз, болаларнинг мактабга қатнашимиз ҳам кўпга борма-ди: ўқиш эмас, ишлаб нон топиш, отамизга кўмаклашиш зарур эди. Ўн олти яшарлигимда косибчиликка ўриниб кетдим. Уч йил ишлаганимдан кейингина ўқишни давом эттирдим».

1931 йилнинг кузида Ўрта Осиё давлат университетининг тайёрлов курсига ўқишга кирдик. Бир йилдан сўнг дорилфунун студенти бўлдик. Группамиз жуда иноқ эди. Билмаган ёки тушунмаган нарсаларимизни бир-биримиздан ўрганар ва ўргатардик. Обиджон ўшандаёқ жуда серҳаракат, тиниб-тинчимас, изланувчан эди. Бошқалар ҳам ундан орқада қолмасликка ҳаракат қиларди. Шунинг учун бўлса керак, 1935 йили энг илғор группа сифатида сайр қилиб келиш учун Ватанимиз пойтахтига йўлланма билан мукофотлашди.

Университет тарихига оид яқинда чоп этилган альбомда 1936 йилнинг Биринчи май байрами намойишида қатнашган группамиз расми бор. Ўша расмдагилар орасидан О. Содиқов академик, Ҳ. Усмонов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий, аспирант Ҳ. Рустамов мухбир аъзоси бўлиб етишди. Бир группадан уч кишининг фан бобидa бундай мартабага эришуви ажойиб давримизнинг мевасидир, албатта.

Ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаган О. Содиқовни органик химия кафедрасида аспирантурада қолдиришди. Орадан уч йил ўтгач, кандидатлик диссертациясини ёқлади. Табиий бирикмалар соҳасидаги илмий ишларини давом эттирди, бир оз вақт Самарқандда ишлаб ҳам келди. Ўрта Осиё давлат университетига қайтгач, анабазин химиясини чуқур ўрганиш борасидаги илмий ишларини давом эттирди. 1945 йили докторлик диссертациясини ёқлади, шу соҳа бўйича ёзган монографияси чоп этилди.

Обид Содиқович Содиқов ўттиз тўрт ёшида, 1947 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги қилиб сайланди. Айни чоғда академиянинг Химия институтига директорлик қилди. Иқтидорли кимёгар олим ҳаётининг кўп қисми Тошкент университети билан боғлиқ дейилса муболаға бўлмайди. У шу ерда ўқиди, илмий изланиш олиб борди, олимлик даражасига эришди, 1958 йили эса ректор қилиб тайинланди. Республика Фанлар академиясининг президенти қилиб сайлашганидан кейин ҳам у университет коллективи билан алоқани узмади, ёш мутахассислар тайёрлаш, аспирантларга мураббийлик қилиш, консультациялар бериш билан шуғулланиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, биоорганик химия ва табиий бирикмалар химияси бўйича мамлакат миқёсида эътироф этилган илмий мактаб академик О. Содиқов номи билан чамбарчас боғлиқ. Унинг раҳбарлигида анчагина алкалоидлар ўрганилди ва ажратиб олинди, чигит шелухасининг кимёвий тузилиши ўрганилиб, таркибида пентозанлар бўлган бир қанча ёввойи ўсимликлар текширилди.

Республика Фанлар академиясида ғўза кимёси, университетда эса, табиий бирикмалар проблема лабораториялари очилди. Уларда О. Содиқов бошчилигида хинолизидин алкалоидлари бўйича жуда катта ишлар бажарилдики, бу изланиш натижалари йирик олимлар томонидан эътироф этилди. Академик В. М. Родионов ўзбек олимининг анабазин алкалоиди соҳасида олиб борган илмий ишларига юқори баҳо берди. Академиклардан А. Н. Несмеянов билан М. И. Кабачник Обид Содиқовичнинг илмий ишларига тўхталиб, Ўзбекистон табиий бирикмалар соҳасида йирик илмий марказлардан бирига айланганлигини таъкидлайдилар. Ўсимликлардан олинадиган айрим моддалар кучли физиологик активликка эга эканлиги ҳам олим лабораторияларида исботланди. Шу боис СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Ю. А. Овчинниковнинг бу соҳада Тошкент йирик илмий марказ бўлиб қолганлигини, О. С. Содиқовнинг ишлари жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Истеъдодли ўзбек кимёгар олимининг изланишлари аҳамияти ўсимликлар яшаш фаолиятида баъзи группа моддаларнинг кимёвий йўл билан бир-бирига ўтиши ҳамда уларнинг физиологик ролини кўрсатиш билангина чекланмайди. Булар тирик организмда рўй берувчи биокимёвий жараёнларнинг асосий механизмини тушуниб олишда, ҳозирги замон табиатшунослиги муаммоларини ҳал этишда ёрдам берувчи омиллар ҳамдир. Алкалоидлар катта бир туркумининг стереохимиясини ўрганиш, конформацион анализ ёрдамида олинган маълумотлар химиянинг бу жабҳасида янги бўлимлар очилишига, органик химияда қатор фундаментал реакциялар моҳиятини аниқлашга олиб келди. Шуниси ҳам борки, физиологик активлик тирик организмда жуда катта роль ўйнайди. О. Содиқов буни химиявий моддалар структураси билан боғлиқ эканлигини билган ҳолда ўрганишга киришган пайтида фаннинг янги йўналиши — биоорганик химия вужудга кела бошлади. Олим Совет Иттифоқида биринчилар қатори табиий бирикмаларнинг турли группалари реакциясига киришуви моҳияти уларнинг электрон ва молекулалари конформацияси тузилиши мураккаблиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. Бу муҳим илмий хулоса эди.

Обид Содиқов илмий кузатишларида спектроскопия, квант химияси, моддаларнинг стереохимия ва электрон структураси каби масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши органик химия ва биохимиянинг кўпгина назарий саволарини ечишга ёрдам берди. Биоорганик химия институти эса унинг раҳбарлигида ҳозирги кунда мамлакатимиздаги йирик илмий марказлардан бири бўлиб қолди. Бу ерда биоорганик химиянинг энг муҳим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилмоқда. Институтда ғўзадан ва пахта чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш, хусусан чиқитсиз технология яратиш устида қизиқарли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу хилдаги ишлар самараси ўлароқ углеводлар, спирт, альдегид, кислота, полифенол ва бошқа моддаларга кирувчи юзга яқин индивидуал бирикмалар ажратиб олинди, айрим қонуниятлар топилди. Булар пахтачилик маҳсулотларини озиқ-овқат саноатида, медицинада, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда қўшимча, полимерлар тайёрлашда эса компонентлар сифатида янада кенгроқ ишлатишга ёрдам берди. Ғўза барглардан лимон ва олма кислоталари олиш технологиясининг яратилишини ҳам О. Содиқов хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамиз химиягарларининг изланиши билан госсиполнинг уч процентли линименти яратилди ва у медицинада самарали ишлатилмоқда.

Биоорганик химия институтида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши препаратлар яратиш мақсадида бу зараркунандаларнинг феромонлари ва гормонларини ажратиб олиш соҳасида муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ғўза нави ва пахта сортини яхшилашда, ғўзанинг вилт ва бошқа касалликларга чидамлилигини оширишда ген инженерлиги методларидан фойдаланиш бобида ҳам қизиқарли ишлар ўтказилмоқда.

Мана ўн етти йилдирки, академик О. Содиқов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига бошчилик қилмоқда. Республикамизда илм-фаннинг янада гуллаб-яшнаши учун, илмий потенциалимиздан тўғри ҳам самаралироқ фойдаланиш, олимларимиз куч-ғайратини халқ хўжалиги ва экономиканинг муҳим проблемаларини ҳал этишга йўналтиришда бутун кучи ва ақл-заковатини сафарбар этмоқда. Илмий-тадқиқот институтлари кўпайиб, малакали кадрлар сафи кенгаяётгани, лабораториялар ва илмий муассасалар замонавий асбоб ва анжомлар билан жиҳозланишида ҳам унинг хизматлари оз эмас. Обид Содиқов кўпгина илмий кенгашлар, илмий журнал ва мажмуалар редакцион коллегияси аъзоси сифатида, шунингдек жамоат ишларида тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда.

Олимнинг илмий изланишлари 400 дан ортиқ илмий мақола ва бешта монографияда ўз аксини топди. Фан тарғиботчиси сифатида ҳам жуда катта иш олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. У кўпгина ҳорижий мамлакатларда бўлиб, совет фани эришган ютуқлар ҳақида доклад ва лекциялар ўқиди. Шу ўринда совет адибаси В. Л. Василевскаянинг «Бегона ой ортида» китобида Обид Содиқовичнинг Францияда сўзлаган бир нутқи хусусида ёзганлари ёдга тушади. «... Делегациямиз составида Тошкент университетининг ректори, доно, келишган, ёқимтой ўзбек кимёгар олими бор эди. У Ўзбекистон ҳақида эҳтирос билан, лўнда-лўнда ва шу қадар ишонарли қилиб гапириб бердики, у сўзлаётганда Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозири, бугунги кундаги минглаб мактаблари, поёнсиз пахта далалари, каттакон фабрикалари, лабораториялари, каналлари, озод халқнинг моддий ва маънавий бойликлари худди кино лентасидек кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтди».

Алломанинг илм-фанни юксалтиришдаги хизматлари муносиб тақдирланган. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Беш Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва кўпгина медаллар билан мукофотланди. Чет мамлакатларнинг фахрий орден ва мукофотларига ҳам эга.

Диловар, очиққўнгил, пурзиё олим Обид Содиқович Содиқов марказий газеталардан бирининг мухбирига берган интервьюсида фан кишидан фидойиликни талаб этади, деган эди. Бу сўзлар унинг айнан ўзига ҳам таллуқли десак янглишмаймиз. Етмиш ёш олим учун айни баркамоллик сарҳади бўлиб, у илм-фанни беш йилликка, халқимиз фаровонлигини оширишга, партия режаларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга хизмат қилдиришда бундан буён ҳам камарбаста бўлишига шак-шубҳа йўқ.

К. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти ректори.

Павел Семёнович ЛЕБЕДЕВ

1929 йилдан КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор Павел Семёнович Лебедев 12 ноябрда 78 ёшида вафот этди.

П. С. Лебедев 1906 йилда Горький областининг Шатковск районидаги Хирино қишлоғида ишчи оиласида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 18 ёшида Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қурилиш бошқармасининг арматурачилигидан бошлади ва Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1934 йилдан 1955 йилгача Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Ҳарбий қурилиш бошқармасининг кичик инженеридан тортиб, бошқарма бошлиғигача бўлган лавозимларда ишлади. Инженер-полковник унвонига эга бўлди.

Павел Семёнович Лебедев 1957 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Давлат план комитетида лойиҳа ишлари бўлимининг бошлиғи, 1963—1981 йиллар давомида эса капитал маблағлар йиғма бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлади. Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг аъзоси эди.

Павел Семёнович 1981 йилда пенсияга чиқса-да, ишлашда давом этди.

Партия П. С. Лебедевни қайси участкага юбормасин, у ҳамма жойда куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилди. Принципиал ва талабчан ходим эди. Камтаринлиги ва одамларга нисбатан меҳрибонлиги билан ажралиб турарди.

П. С. Лебедев Ватан олдидаги хизматлари учун Октябрь Революцияси, Қизил Байроқ орденлари, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, Қизил Юлдуз ордени ва кўплаб медаллар билан тақдирланди. 1960 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор» фахрий унвони берилди. У партия ветерани сифатида «КПСС сафида 50 йил» нишони билан мукофотланди.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, меҳрибон ўртоқ, дилкаш инсон бўлган Павел Семёнович Лебедевнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ҲАВО ТОЗА БЎЛСИН

Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонаси территориясида (Тошкентдан 75 километр нарида) республикада биринчи атроф-муҳитни контрол қилувчи станция ишлай бошлади. Станция ҳаво, сув, атмосфера ёғинлари, тупроқ ва ўсимликлар намуналарини муттасил олиб борадиган махсус ускуналар билан жиҳозланган. Химиявий анализ қилишлар ёрдамида ана шу муҳитларда одам учун зарарли турли моддалар концентрацияси даражаси аниқланади. Станциянинг жойи бежиз танланмаган. У саноат марказлари ва аҳоли яшайдиган жойлардан йироқда, экологик нуқтан назардан энг тоза жойда ўрнаштирилди. Атроф-муҳит булғаниш кўлами ва характерини, шунингдек, ҳаво массаси ва атмосфера ёғинлари турли моддаларни нечоғлиқ йироққа олиб боришини ўрганиш станциянинг асосий вазифаси эканлиги важидан шундай қилинди.

Янги станцияни очиш — атроф-муҳитни контрол қилувчи ягона умумдавлат контрол системасини яратиш босқичларидан биридир. Бу система муҳитни булғанишдан сақловчи янада самарали чораларни ишлаб чиқишда олимлар ва практикларга ёрдам беради.

Янги станция Урта Осиёда тўртинчи бўлди. Беш йиллик охиригача мамлакатимизнинг турли жойларида мавжуд станциялар ёнига яна 15 таси қўшилади.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

ОТА ИЗИДАН

Ибодулла Эргашевнинг номини колхоздагина эмас, Навоий районидаги кексаю ёш ҳурмат билан тилга олади. Бонси, Ибодулла моҳир полвон сифатида тактанали маросимлар, байрамларда шуҳрат топганлардан.

— Менинг полвон бўлишимда бизнинг «Коммунизм» колхозида ҳар бир тўй, базм ва йиғинлар беллашувсиз ўтмаганлигининг алоҳида ўрни бор, — деб эслайди И. Эргашев.

Ҳа, унинг курашга бўлган иштиёқи болалигида пайдо бўлди. Тошкент жисмоний тарбия институтини муваффақиятли битириб, малакали курашчи-тренер бўлиб етишди. Студентлик кезларида ҳам тиниб-тинчимади. Шаҳар ва область мусобақаларида беллашиб тажрибасини бойитди. Кейинчалик, республика ва Бутуниттифоқ миқёсидаги мусобақаларда ҳам иштирок этди. Миллий курашнинг бухороча усули эркин кураш беллашувларига кўп жиҳатдан ўхшашлиги Ибодулла учун ҳам асқотди. У эркин кураш бўйича уч марта республика чемпиони номига сазовор бўлди, мамлакат биринчиликларида мукофотли ўринларни эгаллади. СССР терма командаси составида Афғонистон сафарида бўлиб, Кобул шаҳрида ўтказилган халқаро ўртоқлик учрашувида эсдалик медали билан тақдирланди.

СССР спорт мастери И. Эргашевнинг ёш полвонларни тарбиялашдаги хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. У КПСС XVIII съезди номли ўрта мактаб ҳузурида ташкил этилган ёшлар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбарлик қилиб, бир гуруҳ ёшларнинг кураш сир-асрорларини ўрганишларига яқиндан ёрдам бермоқда. 60 дан зиёд умидли полвон устоз қўлида тарбия топяпти. Улар орасида спорт мастерлигига номзодлар, область чемпионлари Ҳомид Хўжаев, Ашур Ҳайдаров, Ориф Туробов, Одил Эргашев сингари курашчилар бор.

И. Эргашевнинг ўғли Убайдулла ҳам ота йўлидан боришга аҳд қилган. Турли машғулотлар ва мусобақалар пайтида отаси билан ёнма-ён турган Убайдулла бугунги кунда дастлабки ютуқларга эришмоқда. Чунончи, область биринчилиги учун 47 килограмм вазнли полвонлар беллашувида ғолиб чиқди. Яқинда Хатирчи районида эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақада эса иккинчи ўринни эгаллади. Унинг нияти республика ва Иттифоқ мусобақаларида иштирок этиб, отаси ва ҳамқишлоқларининг ишончини қозониш.

А. ОЧИЛОВ.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **БАДИИЙ ГИМНАСТИКА.** Франциянинг Страсбург шаҳрида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Кўпкураш баҳсларидан кейин Болгария спортчилари пешқадамлик қилишмоқда. СССР терма командаси иккинчи ўринда бормоқда. Софиялик Диляна Георгиевна мутлақ чемпион номини олди. Унинг командадошлари Анелия Раленкова билан Лилия Июнатова ҳамда астраханлик Галина Белоглазовалар қимуш медалларга сазовор бўлишди.

● **ОҒИР АТЛЕТИКА.** Самарқандда «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти республика Совети биринчилиги бўлди. Беш киши спорт мастери нормативини бажарди. Ғолиблардан тошкентлик Р. Аметов билан А. Филатов (Андижон области)лар маҳорат кўрсатдилар.

● **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Тошкентда Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар ўтказилмоқда. Рапирачилар баҳсида П. Железнов, Н. Васильев, В. Логинов совринли ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● **ХОТИРАВИЙ ТУРНИР.** Тўп ўйнашни Приморье командаларида бошлаган Юрий Загуменних «Пахтакор»да маҳорат кўрсатган эди. Яқинда Владивостокда болалар ўртасида унинг хотирасига бағишланган турнир ўтказилиб, Первомайск спорт мактаби командаси биринчи ўринни олди.

● **ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ.** СССР терма командаси финалга чиқиши учун дуранг ҳисоби кифоя эди. Лекин вакилларимиз сафарда Португалия футболчиларидан енгилиб (0:1), имкониятни бой беришди.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

КОЛХОЗЧИ ЎРТОҚЛАР, СОВХОЗ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ МЕҲНАТКАШЛАРГА ШАХСИЙ БЮДЖЕТЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА, МЕҲНАТ ДАРОМАДЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШГА, ЎЗЛАРИНИНГ ЎСИБ БОРАЁТГАН МАДАНИЙ ВА МАИШИЙ ТАЛАБЛАРИНИ ҚОНДИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Омонат кассалари, талаб қилиб олгунча, муддатли, ютуқли, шартли ва жорий счётларга қўйиладиган омонатлар қабул қилади.

Омонат дафтарчани очиш учун шахсан омонат кассага бориш шарт эмас. Ҳар бир ишчи, хизматчи, колхозчи ўз корхонасининг бухгалтериясига ўзига тегишли бўлган иш ҳақининг маълум қисмини ёки пул даромадларини омонат кассадаги счётга ўтказишга ариза бериши мумкин.

Аризада, қайси омонат кассага ва қайси муддатда ўтказиш, қанақа суммада ва қайси счётга эканлиги кўрсатилиши керак.

Омонатчи биринчи марта омонат кассага келганда унинг счётига ўтказилган сумма у кўрсатган омонат дафтарчасига ёзилади, янги очилган счёт бўйича эса — омонат дафтарчаси берилади.

Омонат бўйича счётларга 1 маротабали даромаддан ҳам ўтказиш мимкин, масалан, тайёрловчи ташкилотларга топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари суммаси.

Меҳнаткашларнинг даромадларини нақд пулсиз ўтказиш омонатчилар учун қўшимча қулайликлар яратади, омонат кассага бормай туриб, ўз омонатларини тўлдириб туристик саёҳат, қимматбаҳо буюмлар сотиб олиш учун керакли суммани тўплашлари мумкин.

ОМОНАТ КАССАЛАРГА ТОПШИРИЛГАН ОМОНАТЛАР БУЙИЧА ПРОЦЕНТ ЕКИ ЮТУҚ ТАРИҚАСИДА ДАРОМАД ТЎЛАНАДИ.

Совет давлати омонатларнинг сир сақланишини, уларнинг бутунлигини ва омонатчининг биринчи талаби бўйича берилишини гарантиялайди.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР биринчилиги учун «А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

19, 20 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «МОЛОТ» (Пермь).

23, 24 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — УРИЦКИЙ НОМЛИ СПОРТ КЛУБИ (Қозон)

29, 30 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ЕНБЕК» (Олма-Ота)

Ўйинлар шанба ва яншанба кунлари соат 17.00да, иш кунлари эса соат 18.30 да бошланади.

ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассаларида билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин: касса — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/XI Флория Тоска, 16/XI да Испан миниатюралари, 17/XI да Дилором.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—15/XI да Парвона, 16/XI да Юлдузли тунлар, 17/XI да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/XI да Тўйдан олдин томоша (15.00, 19.30), 17/XI да Тошкентнинг нозанин малиласи (15.00).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг Ишчилар таъминоти бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи А. А. Акбаровга отаси

Абдулла АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва 22-ўрта мактаб коллективлари шу мактабнинг партия бюроси секретари ва тарих ўқитувчиси Ҳ. Соатовга онаси

Соҳиба ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БАХТ УЙИ

Самарқанд область Каттақўрғон районида янги Бахт уйи дастлабки ёш келин-куёвларни қабул қилди. Икки қаватли бинода келин-куёвлар учун магазин, банкет зали, фото салон жойлашган. Зallар ганч ўймакорлиги билан безатилган, шиплар шарқ услубида пардозланган. «Бахт уйи» ҳашар йўли билан қурилди. Каттақўрғондаги кўплаб корхона ва ташкилотлар унинг қурилишида иштирок этди. (ЎзТАГ).

Телевидение

15 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.00 — Елгонинг қадами узун. Фильм-спектакль. 12.30 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Нодар Думбадзе. Асарлари саҳифаларида. 17.30 — Халқ куйлари. 17.40 — Ўз истеъдодингни топ. Телевизион очерк. 18.10 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.40 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган боғ. 20.00 — Ўсмир. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.10 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 15.10 — Франсуз тили. 11.05 — Ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — Ботаника. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — Шахмат мактаби. 13.00 — Тарих. 13.30 — География. 14.00 — Золушка балети. 14.30 — Олимлар ҳақида очерклар. 15.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.10 — ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.55 — Фильм-концерт. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Кутишга вақтимиз йўқ. Бадиий фильм. 23.20 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Мультфильмлар. 18.55 — Сиёсий маориф системасида ўқув йилининг бошланишига доир. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Футбол чорраҳаларида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Армия — ҳаёт мактаби. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.45 — МОСКВА-II. 18.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.05 — Эстетика асослари. 19.45 — Янгиликлар. 20.05 — Революция туфайли тугилган. Бадиий фильм. 9-серия. 21.30 — МОСКВА-II.

16 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Саратовдан олиб кўрсатилади. 10.10 — Кутишга вақтимиз йўқ. Бадиий фильм. 11.25 — Саёҳатчилар клуби. 12.25 — Биргаликда аҳил оиламиз. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 17.00 — Мен бугун ва эртага. 17.30 — Концерт. 18.10 — Расмларда қўёш акси бор. 18.25 — Инсон — замин соҳиби. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Спорт саҳифалари. 20.15 — Ўсмир. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — Бежин ўтлоғи. 13.40 — Тарих. 14.40 — Чўққига йўл. 15.10 — Хўжаликни бошқариш мактаби. 15.40 — Ф. Купер. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.15 — Г. Марков ижоди саҳифалари. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Скрипка ва арфа ижроси учун фантазия. 21.00 — Волейбол. «Динамо» (Москва) — «Медин» (Одесса). 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Хоккей. «Динамо» (Москва) — «Химик».

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Чинор япроқлари. Телевизион фильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Армия — ҳаёт мактаби. Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Шоирлар — болаларга. 18.55 — Ветеранлар сафда. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий альманах. 20.15 — Бугун оламда нима гап. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Ўгай она. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.50 — Пойтахт области далаларида. 19.20 — Учинчи меҳнат чораги. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — Революция туфайли тугилган. Бадиий фильм. 10-серия. 21.30 — МОСКВА-II.

Радио

15 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Область театрлари солистларининг концерти. 9.30 Дўстлик байроғи радиопрограммаси. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 14.00 Бугун биз ҳаммамиз пахтакормиз. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 19.25 — Ёшлик. 20.15 — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов тугилган кунинг 70 йиллигига. 21.00 — Адабий ўқиш. 21.20 — Пахта йиғимтерими илғорлари учун концерт. 22.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.